



XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI QARORI

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 23 - iyun

VI-35-90-5-0-K/22

Navoiy viloyat hokimligi

Хизматлар кўрсатишни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104 сонли қарори ҳамда Давлат раҳбари ҳузурида 2022 йил 7 июнь куни ўтказилган “Хизматлар кўрсатишни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 47-сонли йиғилиш баёни топшириқлари ижроси юзасидан хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, хизматлар соҳасини муҳим драйвер йўналишга айлантириш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларда транспорт, молия, банк, туризм ҳамда савдо хизматлари қамровини кенгайтириш, мавжуд таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари салоҳиятини ошириш, бунда хусусий секторни жалб қилиш учун қулай иқтисодий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш ҳамда 2022 йилда хизматлар ҳажмини бир ярим баробарга ошириш асосий вазифа сифатида белгилаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ишларни тўғри ташкил этмаганлиги натижасида Навоий вилоятида хизматлар соҳасида иш ўринларини яратиш ва аукцион савдоларига ер майдонларини чиқариш борасидаги ишлари кониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, зарур ер участкаларини савдога чиқаришда сусткашликка йўл кўйилгани учун Навоий шаҳар ҳокимига “ҳайфсан” эълон қилиниб, ҳокимнинг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарини лавозимидан озод этиш топшириғи берилди.

Жорий йилда вилоятда хизматлар ҳажми 11,2 трлн сўмга, ўсиш суръатининг 149,9 фоизга етказилиши, хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича мавжуд барча имкониятлардан фойдаланилиши натижасида 24,1 мингта

иш ўринлари яратилиши режалаштириб олинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, депутатлар ва вилоят фаоллари томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2022 йил 7 июнь куни “Хизматлар кўрсатишни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ўтказилган 47-сонли йиғилиш баёнида берилган топшириқлар ижро учун қабул қилинсин.

2. Шаҳар ва туманлар ҳокимларига хизматлар соҳасидаги Давлат раҳбарининг қарор ва йиғилиш баёнлари топшириқлари ижросини таъминлашда амалга оширилаётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Вилоятда 2022 йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманларда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ишлаб чиқилган “Йўл харита”си иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б (Т.Атамуродов) вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев), вилоят Статистика бошқармаси (А.Ташназаров) билан биргаликда хизматлар кўрсатиш соҳасида янги корхоналарни ташкил этиш, уларда янги иш ўринлари яратилишини таҳлил қилиб, статистика ва солиқ ҳисоботлари орасидаги тафовутларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (К.Нурмуродов)га:

ишчи гуруҳ тузган ҳолда шаҳар ва туманларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4752-сонли, 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли ҳамда 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарорлари ижросини доимий равишда ўрганиб бориб, вилоят ҳокимиغا маълумот киритиш;

маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (Ш.Ҳамидов) билан биргаликда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан ҳудудлардаги мавжуд хизмат турларини хатловдан ўтказиб, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир маҳаллада ташкил этилиши зарур бўлган 20 турдаги хизматларни яратиш чораларини кўриш топширилсин.

6. Навоий шаҳар (М.Эгамқулов), Хатирчи тумани (С.Низамов), Нурота (А.Файзиев), Конимех (Р.Рўзиев) туманлари ҳокимлари 10 кун муддатда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича “йўл харита”ларини тасдиқлаб вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Т.Атамуродов, Б.Бобомуродов)

Қурилиш бош бошқармаси (А.Ниёзов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан билан биргаликда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларда аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳаммомлар ташкил этилишини таъминласин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б (Т.Атамуродов) тегишли мутасаддилар билан биргаликда ҳар ўн беш кунда хизматлар кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий муҳокама этиб борсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари в.б (Т.Атамуродов) ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Н.Турсунов.

Xalq deputatlari Navoiy viloyat Kengashining
2022 yil 23 iyundagi
VI-35-90-5-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Навоий вилоятида 2022 йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ЙЎЛ ХАРИТАСИ

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
1	<p>Хизмат кўрсатиш ҳажмини 2022 йил 1-ярим йилликда 135,1 фоизга, йил якуни билан 149,9 фоизга ошириш (бир ярим баробарга) ва 11 151,4 млрд.сўмга етказиш.</p> <p>Жумладан, 2022 йил якуни билан:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Навоий шаҳар 150,1% (4 082,9 млрд.сўм), -Зарафшон шаҳар 149,5% (1 335,3млрд.сўм), -Ғозғон шаҳар 146,1% (48,6 млрд.сўм), -Кармана тумани 149,8% (1 655,5 млрд.сўм), -Конимех тумани 147,2% (301,9 млрд.сўм), -Қизилтепа тумани 149,4% (1 021,5 млрд.сўм), -Навбаҳор тумани 147,6% (722,6 млрд.сўм), -Нурота тумани 148,4% (470,5 млрд.сўм), -Томди тумани 145,5% (151,0 млрд.сўм), -Учкудук тумани 148,5% (409,9 млрд.сўм), -Хатирчи тумани 148,8% (951,7 млрд.сўм). 	<p>1. Вилоятнинг шаҳар ваа туманларида 2022 йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ижросини таъминлаш.</p> <p>2. Янги хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш ва мавжудлари фаолиятини кенгайтириш орқали хизматлар ҳажмини ошириш.</p> <p>3. Хизмат кўрсатиш ҳажмларини ҳисоботларда тўлиқ акс эттириш, норасмий хизматларни расмийлаштириш чораларини кўриш.</p>	<p>Йил давомида</p> <p>Йил давомида</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов),</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов),</p> <p>Статистика бошқармаси (Ташназаров),</p> <p>Давлат солиқ бошқармаси (Ботиралиев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
2	<p>Хизмат кўрсатиш соҳасида 2022 йил 1-ярим йилликда 8,9 мингта, йил якуни билан 24,1 мингта иш ўринларини ташкил этиш, 1 254 та янги хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш.</p> <p>Жумладан, 2022 йил якуни билан:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Навоий шаҳрида 3700 та иш ўрни, -Зарафшон шаҳрида 2100 та иш ўрни, -Ғозгон шаҳрида 300 та иш ўрни, -Кармана тумани 3700 та иш ўрни, -Конимех тумани 1200 та иш ўрни, -Қизилтепа тумани 3900 та иш ўрни, -Навбахор тумани 2000 та иш ўрни, -Нурота туманида 1900 та иш ўрни, -Томди туманида 300 та иш ўрни, -Учкудук туманида 1000 та иш ўрни, -Хатирчи туманида 4000 та иш ўрни ташкил этиш. 	<p>1. Амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Зарур ер ва бино-иншоотларни аукцион савдоларга чиқариб бориш.</p> <p>3. Тижорат банклари томонидан кредит маблағларини ажратилишига кўмаклашиш.</p> <p>4. Норасмий фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини ва иш ўринларини расмий секторга ўтказиш.</p> <p>5. Ҳоким ёрдамчилари томонидан мавжуд молиявий ресурслар доирасида имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш орқали ўзини ўзи банд қилиш.</p>	<p>Июнь</p> <p>Июль</p> <p>Июль-декабрь</p> <p>Йил давомида</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов),</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов),</p> <p>Курилиш бошқармаси (Ниёзов),</p> <p>Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Носиров), Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Нишонов),</p> <p>Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (Ҳамидов),</p> <p>Давлат солиқ бошқармаси (Ботиралиев)</p> <p>Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев)</p> <p>тижорат банклари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
3	Меҳмонхона, умумий овқатланиш объектлари, савдо дўконларининг том қисмида ресторан ва кафетерийлар ташкил этиш бўйича Бухоро тажрибасини жорий қилиш; ушбу ҳудудлардаги давлат ташкилотлари биноларининг биринчи ва юқори қаватлари, том қисмида умумий овқатланиш, савдо ва сервис объектларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиб, аукционга чиқариш.	1.Хатлов асосида том қисмида сервис объектларини ташкил этиш талабига жавоб берадиган меҳмонхона, умумий овқатланиш объектлари, савдо дўконлари давлат ташкилотлари рўйхатини шакллантириш. 2. Талабга жавоб берадиган биноларда сервис объектларини ташкил этиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш	Июнь-июль Июнь-июль	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов), Давлат активлари бошқармаси (Жумаев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
4	Ҳудудлардаги давлат идораларининг балансида мавжуд бино ва иншоотлардан сервис соҳасида самарали фойдаланиш бўйича дастур ишлаб чиқиш.	Давлат идораларининг балансида мавжуд бино ва иншоотларини ўрганиб сервис объектларини ташкил этиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш.	Июнь-июль	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов), Давлат активлари бошқармаси (Жумаев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
5	Туман ва шаҳарлар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари бошчилигида “Лойиҳа офислари”ни ташкил этиш, уларга хорижий консалтинг компаниялар ва экспертларни жалб қилиш; Бириктирилган тижорат банклари ва “Лойиҳа офислари” билан биргаликда ушбу туман ва шаҳарлар аҳолисининг таклифлари асосида “мастер-режа”ни ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимига тақдимот қилиш.	1. Лойиҳа офисларини ташкил этиб рўйхатдан ўтказиш. 2. Шаҳар ва туманларда “мастер-режа”ни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни ўрганиш. 3. Таклифлар асосида ишлаб чиқилган “мастер-режа” тақдимотини тайёрлаш.	Июнь Июнь-июль Июль	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов), Ҳалқ банки (Бобоқулов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
6	<p>“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида аҳоли талабларидан келиб чиқиб ҳаммомлар қуриш.</p> <p>Ҳар бир маҳаллада камида 20 тадан хизмат турини йўлга қўйилиши бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, уни амалга оширилишини таъминласин.</p> <p>Бозорларда нарх-навонинг сунъий ошиб кетмаслигини олдини олиш, хусусан аҳолига нон ва ун маҳсулотларини ўз вақтида ва белгиланган нархларда етказиб берилиши кунлик муҳокама қилиб борсин.</p>	<p>1. Ташкил этиладиган ҳаммом лойиҳалари манзилли рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Ҳар бир маҳаллаларда ташкил этилиши зарур бўлган шаҳобчаларни хатловдан ўтказиш, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб мавжуд бўлмаган хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб, йил якунига қадар уларни ишга тушириш чорасини кўриш ва қилинган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига маълумот киритиш.</p> <p>3. Ҳоким ёрдамчилари ташкил этилиши зарур бўлган хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш учун мавжуд молиявий ресурслар доирасида имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш орқали аҳолини банд қилиш.</p> <p>4. Бозорларда нарх-навонинг сунъий ошиб кетмаслигини олдини олиш, хусусан аҳолига нон ва ун маҳсулотларини ўз вақтида ва белгиланган нархларда етказиб берилишини таъминлаш ҳамда қилинган ишларни кунлик муҳокама қилиб бориш.</p>	<p>Июнь</p> <p>Июнь-июль</p> <p>Доимий</p> <p>Доимий</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов),</p> <p>Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (Ҳамидов),</p> <p>Давлат солиқ бошқармаси (Ботиралиев),</p> <p>Монополияга қарши курашиш бошқармаси (Муҳаммадиев), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев) тижорат банклари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
7	<p>Савдо ва сервис объектларини ташкил этиш учун 2022 йил 1-ярим йилликда 537 га (70,4 га), 2022 йил якунига қадар 1500 га (183 га) бўш ер майдонларини аниқлаб, аукцион савдоларига чиқариш.</p> <p>Жумладан; халқаро йўл бўйи ёқасида 1,2 га (Кармана туманида 1,2 га, Қизилтепа туманида 0,2 га); нодавлат умумтаълим муассасасини ташкил этиш учун 3 та (Навоий шаҳрида 2 та, Зарафшон шаҳрида 1 та) ер майдонларини аукционга чиқариш.</p> <p>Навоий шаҳрида хизмат кўрсатиш жойларини ташкил этиш учун 40 та 5 гектар майдондаги ерларни аукцион савдоларига чиқаришни таъмилаш.</p>	<p>1. Ўтказилган хатлов натижасида ва ҳоким ёрдамчилари ҳамда тадбиркорлардан келиб тушган таклифлар асосида бўш ер майдонларини аниқлаш.</p> <p>2. Аниқланган бўш ер майдонларини масъул ташкилотлар билан келишиш учун ААТ Е-электрон платформасига киритиш.</p> <p>3. Келишилган ер майдонларини, шу жумладан нодавлат умумтаълим ва мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шarti билан аукцион савдоларга чиқариш.</p> <p>4. Олиб борилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ёзма ахборот киритиш.</p>	<p>Июнь</p> <p>Июнь</p> <p>Июнь-июль</p> <p>Ҳар ҳафтада</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов),</p> <p>Қурилиш бошқармаси (Ниёзов),</p> <p>Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Носиров),</p> <p>Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Нишонов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
8	<p>Шаҳар ва туманларда танлаб олинган 10 та кўчаларда 420 та янги сервис объектларини ишга тушириш орқали махсус хизмат кўрсатиш кўчаларига айлантириш.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Навоий шаҳрида 1 та кўча, 52 та объект, - Зарафшон шаҳрида 1 та кўча, 41 та объект, - Ғозғон шаҳрида 1 та кўча, 30 та объект, - Кармана туманида 1 та кўча, 45 та объект, - Конимех туманида 1 та кўча, 40 та объект, - Қизилтепа туманида 1 та кўча, 47 та объект, - Навбахор туманида 1 та кўча, 41 та объект, - Нурота туманида 1 та кўча, 39 та объект, - Учкудук туманида 1 та кўча, 35 та объект, - Хатирчи туманида 1 та кўча, 50 та объект ташкил этиш. 	<p>1. Махсус хизмат кўрсатиш кўчаларида ташкил этиладиган сервис объектларини манзилли рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Мазкур кўчаларни хатловдан ўтказиб, бўш ер майдонларини Е-аукцион ва К-савдо электрон платформаси орқали савдога чиқариш.</p> <p>3. Шакллантирилган лойиҳаларга кредит ажратилишига кўмаклашиш.</p> <p>4. Савдо ва кўнгилочар кўчаларда жамоат тартиби хавфсизлиги (кузатув камераларининг ўрнатилганлиги ҳамда патруллик постларини ташкил этиш) кучайтириш орқали 24 соат мобайнида туну-кун фаолият юритиш.</p> <p>5. Кўнгилочар кўчаларда аҳоли ва ёш болаларнинг маънавий ва маданий ҳордиқ олишлари учун ҳар хил турдаги кўнгилочар тадбирларнинг ташкиллаштириш.</p>	<p>Июль</p> <p>Июль</p> <p>Июль -декабрь</p> <p>Йил давомида</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов),</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов),</p> <p>Туризм ва маданий мерос бошқармаси (Хужаев),</p> <p>Қурилиш бошқармаси (Ниёзов),</p> <p>Давлат солиқ бошқармаси (Ботиралиев),</p> <p>Миллий гвардия (Усмонов)</p> <p>Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев)</p> <p>тижорат банклари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
9	<p>Вилоятнинг Навой, Зарафшон ва Ғозгон шаҳарларида ҳар 3-5 маҳалла учун жами 14 та маҳаллалараро савдо-хизмат кўчаларини ташкил этиб, ушбу кўчаларда 361 та сервис объектларини ташкил этиш.</p> <p>Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Навой шаҳрида 9 та кўча, 246 та объект, -Зарафшон шаҳрида 4 та кўча, 94 та объект, -Ғозгон шаҳрида 1 та кўча, 21 та объект. 	<p>Белгилаб олинган ҳар 3-5 маҳалла учун 1 тадан маҳаллалараро савдо-хизмат кўчаларида:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ташкил этиладиган сервис объектларини манзилли рўйхатини шакллантириш. 2. Кўча ёқасини хатловдан ўтказиб, бўш ер майдонларини Е-аукцион ва К-савдо электрон платформаси орқали савдога чиқариш. 3. Шакллантирилган лойиҳаларга кредит маблағлари ажратилишига кўмаклашиш. 4. Сервис объектларини белгиланган муддатда ишга тушириш. 	<p>Июнь</p> <p>Июнь-июнь</p> <p>Июнь-декабрь</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов),</p> <p>Қурилиш бошқармаси (Ниёзов),</p> <p>Давлат солиқ бошқармаси (Ботиралиев),</p> <p>Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев)</p> <p>тижорат банклари, Навой, Зарафшон ва Ғозгон шаҳарлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
10	Вилоятнинг барча туманларида (шаҳарлардан ташқари) 3-4 та маҳалла учун камида 1 тадан маҳаллалараро савдо-хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш орқали 1,2 мингта иш ўринларини яратиш.	<p>1. 3-4 та маҳалла учун камида 1 тадан маҳаллалараро савдо-хизмат кўрсатиш марказларини белгилаш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Махсус хизмат кўрсатиш кўчаларида ташкил этиладиган сервис объектларини манзилли рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Кўча ёқасини хатловдан ўтказиб, бўш ер майдонларини Е-аукцион ва К-савдо электрон платформаси орқали савдога чиқариш.</p> <p>4. Шакллантирилган лойиҳаларга талаб этиладиган кредит маблағларини ажратилишига кўмаклашиш.</p> <p>5. Сервис объектларини белгиланган муддатда ишга тушириш.</p>	<p>Июнь</p> <p>Июнь</p> <p>Июнь-июль</p> <p>Июнь-декабрь</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов),</p> <p>Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (Ҳамидов),</p> <p>Қурилиш бошқармаси (Ниёзов),</p> <p>Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Носиров),</p> <p>Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Нишонов),</p> <p>Автомобиль йўллари бошқармаси (Камалов),</p> <p>шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
11	<p>Вилоятнинг Кармана, Қизилтепа худудларидан ўтган халқаро йўллар бўйида савдо ва сервис хизматларини ривожлантириш.</p> <p>Бунда 48 та лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига 290 та янги иш ўрнини яратиш.</p> <p>Жумладан: Қизилтепа туманида 18 та лойиҳа, 156 та иш ўрни, Кармана туманида 30 та лойиҳа, 134 та иш ўрни.</p> <p>Шунингдек халқаро йўллар бўйида жойлашган қишлоқ хўжалиги ер майдонларини тоифасини ўзгартириш ва шу орқали йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Вилоятда ишчи гуруҳ ташкил этган ҳолда вилоят худудидан ўтган халқаро йўл бўйи ёқаларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Хатлов натижалари бўйича: - йўл бўйларида амалга оширилаётган (қурилиш ишлари бошланган) лойиҳаларни манзилли рўйхатини шакллантириш; - шакллантирилган лойиҳалар бўйича йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш манзилли рўйхатини тасдиқлаш ва ишга туширилишини доимий мониторинг қилиб бориш; - йўл бўйида мавжуд ноқишлоқ хўжалиги ер майдонларини аниқлаб, белгиланган тартибда аукцион савдоларга чиқариш.</p> <p>3. Халқаро йўл бўйларида жойлашган қишлоқ хўжалиги ер майдонларини тоифасини ўзгартириш ва шу орқали йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича иқтисодий асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>Июнь</p> <p>Июнь</p> <p>Доимий</p> <p>Июнь-июль</p> <p>Июль-август</p>	<p>Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов), Қурилиш бошқармаси (Ниёзов), Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Носиров), Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Нишонов), Автомобиль йўллари бошқармаси (Камалов) Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Худойназаров), Кармана ва Қизилтепа туман ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
12	<p>Кўчма савдо ва енгил конструкцияли кичик савдо-сервис шахобчаларини ташкил этиш учун 2022 йил 1-ярим йиллигида 166 та, 2022 йил якунига қадар 408 та ер майдонларини К-савдо электрон платформаси орқали аукцион савдоларга чиқариш.</p> <p>Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Навоий шаҳрида 52 та, -Зарафшон шаҳрида 41 та, -Ғозғон шаҳрида 18 та, -Кармана туманида 45 та, -Конимех туманида 28 та, -Қизилтепа туманида 47 та, -Навбахор туманида 41 та, -Нурота туманида 39 та, -Томди туманида 12 та, -Учкудук туманида 35 та, -Хатирчи туманида 50 та. 	<p>1. Ўтказилган хатлов натижасида ва ҳоким ёрдамчилари ҳамда тадбиркорлардан келиб тушган таклифлар асосида бўш ер майдонларини аниқлаш.</p> <p>2. Аниқланган бўш ер майдонларини масъул ташкилотлар билан келишиш учун К-савдо электрон платформасига киритиш.</p> <p>3. Келишилган ер майдонларини кўчма савдо ва енгил конструкцияли кичик савдо-сервис объектларини ташкил этиш учун аукцион савдоларга чиқариш.</p>	<p>Июнь-июль</p> <p>Йил давомида</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўрибосари (Атамуродов),</p> <p>Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ботиралиев),</p> <p>Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Носиров),</p> <p>Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Нишонов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>
13	<p>Вилоятда 2 та йирик савдо комплексларини ташкил этиш.</p> <p>Жумладан:</p> <p>Зарафшон шаҳрида 0,3 га майдонда 1 та;</p> <p>Навоий шаҳрида 0,3 га майдонда 1 та савдо комплексларини ташкил этиш.</p> <p>Йирик савдо комплекслари ва ҳудудий савдо логистика марказлари сонини ва аукционга чиқариладиган ер майдонларини доимий кўпайтириб бориш.</p>	<p>1. Йирик савдо комплекслари ва ҳудудий савдо логистика марказларини ташкил этиш бўйича қулай ер майдонларини аниқлаш ва салоҳиятли лойиҳа ташаббускорларини белгилаш.</p> <p>2. Аниқланган бўш ер майдонларини белгиланган тартибда аукцион савдоларга чиқариш.</p> <p>3. Ер майдонлари мавжуд ва қурилиш ишлари олиб борилаётган лойиҳаларни белгиланган муддатларда ишга тушириш.</p> <p>Бунинг учун, лойиҳа ташаббускорларига кредит, инфратузилма ва расмийлаштириш ишларига амалий ёрдам бериш.</p>	<p>Июнь-июль</p> <p>Июнь-декабрь</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўрибосари (Атамуродов),</p> <p>Қурилиш бошқармаси (Ниёзов),</p> <p>Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Носиров),</p> <p>Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Нишонов),</p> <p>Давлат солиқ бошқармаси (Ботиралиев), Навоий ва Зарафшон шаҳар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
14	<p>“Янги Ўзбекистон” массивларида 90 та хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш.</p> <p>Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> –Кармана туманида (Дўстлик МФЙ) 53 та, –Қизилтепа туманида (Малиқобод МФЙ) 37 та объектларни ташкил этиш. 	<p>1. Аҳолига хизмат кўрсатувчи савдо ва сервис объекларини ташкил этиш учун белгиланган ер майдонларини К-савдо ва Е-аукцион савдоларига чиқариш.</p> <p>2. Янги ташкил этиладиган савдо ва сервис хизмат объектларни ташкил этиш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Янги савдо ва сервис шохобчаларини ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига кредит маблағларини ажратилишида кўмаклашиш.</p> <p>4. Лойиҳаларни белгиланган муддатларда ишга тушириш.</p>	<p>Июнь-декабрь</p> <p>Июнь-декабрь</p> <p>Июнь-декабрь</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов),</p> <p>Қурилиш бошқармаси (Ниёзов),</p> <p>Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Носиров),</p> <p>Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Нишонов),</p> <p>Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев)</p> <p>тижорат банклари, Кармана ва Қизилтепа туман ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
15	<p>Кўп қаватли 1798 та уйларнинг ер тўлаларини хатловдан ўтказиб, бўш турган ер тўлаларда ва 1-қаватида хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш.</p> <p>Жумладан, -Навоий шаҳрида 708 та, -Зарафшон шаҳрида 332 та, -Ғозғон шаҳрида 13 та, -Конимех туманида 52 та, -Кармана туманида 182 та, -Қизилтепа тумани 86 та, -Навбахор туманида 16 та, -Нурота туманида 20 та, -Томди туманида 12 та, -Учкудук туманида 305 та, -Хатирчи туманида 72 та кўп қаватли уйларни хатловдан ўтказиш.</p>	<p>1. Кўп қаватли уйлар ер тўлаларини хатловдан ўтказиб, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш имконияти мавжуд майдонларни белгилаб олиш.</p> <p>2. Мавжуд бўш ер тўлалар майдонларини ижарага бериш бўйича эълон бериш ва ҳоким ёрдамчилари орқали тадбиркорларга таклиф бериш.</p> <p>3. Бино иншоотларга эҳтиёжи мавжуд тадбиркорлик субъектларига ижара шартномаси асосида фойдаланишга бериш.</p> <p>4. Ҳоким ёрдамчилари томонидан йўл бўйида жойлашган кўп қаватли уйларнинг 1-қаватида истиқомат қилувчи фуқароларга таклифлар бериш орқали уй-жойни нотурарга ўтказиб савдо-сервис шохобчаларини ташкил этиш.</p>	<p>Июнь-июль</p> <p>Июнь-июль</p> <p>Йил давомида</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов), Қурилиш бошқармаси (Ниёзов), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (Ҳамидов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Жуманиёзов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
16	<p>Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича мавжуд жами 346,2 млрд.сўм имтиёзли кредит ресурс маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш.</p> <p>Жумладан;</p> <ul style="list-style-type: none"> - ПҚ-4752-сон қарор доирасида аввал ажратилган кредитларни сўндирилган қисмидан шаклланадиган 19,7 млрд.сўм; - ПҚ-104-сон қарор доирасида Ўзмиллийбанк томонидан халқаро молия институтларидан жалб қилинган ва тақсимотга асосан вилоятга ажратилган 124,0 млрд.сўм; - оилавий тадбиркорлик дастури доирасида хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун йўналтирилган 25,0 млрд.сўм; - белгиланган туризм ҳудудларидаги (МФЙ, қишлоқ) хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун ажратилиши кўзда тутилган 50 млн.доллар маблағлари (ҳудудларга тақсимот бўйича); - ПФ-33-сон Фармон доирасида яқка тартибдаги уй-жойлар учун ажратиладиган 137,5 млрд.сўм ипотека кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар. <p>ПҚ-5113-сон қарор доирасида 2021 йилда молиялаштирилган, бироқ ишга туширилмаган лойиҳаларни ишга туширилишини тезлаштириш.</p>	<p>1. Мавжуд ресурсларни шаҳар ваа туманларга тўғри тақсимот қилиш. <i>Бунда, ҳудудни аҳоли ва МФЙлар сони, ихтисослашуви, шаклланган лойиҳалар ва хизмат кўрсатиши даражасини ҳисобга олган ҳолда туман (шаҳар)лар қисмида тақсимлаш.</i></p> <p>2. Мавжуд ресурслардан келиб чиққан ҳолда молиялаштириладиган лойиҳаларни тўғри шакллантириш. <i>Бунда:</i> <i>маҳаллаларда зарур хизмат кўрсатиши объектларини ташкил этиш бўйича ҳоким ёрдамчилари тақлифларини ҳисобга олиш;</i> <i>лойиҳа ташаббускорларини ер ва гаров таъминоти мавжудлигини ва лойиҳа самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш.</i></p> <p>2. Шакллантирилган лойиҳаларни тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Тасдиқланган тармоқ жадвалларига асосан кредит ресурслари йўналишлари бўйича истиқболли лойиҳаларни манзилли рўйхатини тасдиқлаб, молиялаштириш учун тижорат банкларига йўналтириш.</p> <p>4. Тасдиқланган лойиҳаларга кредит маблағларини ажратилишида амалий ёрдам бериш.</p> <p>5. Кредит ажратилган лойиҳаларни доимий мониторинг қилиб бориш ва ўз муддатида ишга туширилишини таъминлаш.</p>	<p>Июнь</p> <p>Июнь</p> <p>Июнь</p> <p>Июнь</p> <p>Июнь-декабрь</p> <p>Йил давомида</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев) тижорат банклари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
17	<p>Худудларда касб-хунарга ўқитиш марказларида ишсиз ва касб ўрганиш истаги бўлган 3070 нафар фуқароларни хизмат кўрсатиш йўналишида қисқа муддатли касбга ўқитиш ва тайёрлаш.</p> <p>Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Навоий шаҳар 445 нафар, -Зарафшон шаҳар 157 нафар, -Ғозгон шаҳар 190 нафар, -Кармана тумани 378 нафар, -Конимех тумани 226 нафар, -Қизилтепа тумани 373 нафар, -Навбахор тумани 394 нафар, -Нурота тумани 342 нафар, -Томди тумани 48 нафар, -Учкудук тумани 89 нафар, -Хатирчи тумани 428 нафар. <p>Шунингдек, вилоятнинг ҳар бир туманида камида 2 тадан хусусий касб-хунарга ўргатиш ва ўқитиш марказини ташкил этиш.</p>	<p>1. Туман (шаҳар)ларда тегишли масъуллар билан биргаликда касб-хунарга ўқиш истаги бўлган фуқаролар рўйхатини шакллантириб бориш.</p> <p>2. Хизмат кўрсатиш йўналишида касб ўрганмоқчи бўлган фуқароларни худудларда мономарказларда, касб-хунарга ўқитиш марказлари ва масканларида, шунингдек хусусий касб-хунарга ўқитиш марказларида ва IT-парк марказларида босқичма-босқич касб-хунарга ўқитиш.</p> <p>3. Ўқитиш марказларида ўқишни якунлаган фуқароларга бандлигини таъминлаш ва фаолияти учун зарур бўлган асбоб-ускуналар олиб бериш учун субсидиялар ва имтиёзли кредитлар ажратиш.</p>	<p>Йил давомида</p> <p>Йил давомида</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Вилоят Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (Ҳамидов),</p> <p>Бандлик бош бошқармаси (Авезов),</p> <p>Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев)</p> <p>тижорат банклари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
18	Вилоятда туризм хизматларини ривожлантириш, хусусан, Хатирчи, Нурота ва Қизилтепа туманларида 20 та туризмга ихтисослашган маҳалла (қишлоқ)ларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда уларнинг мастер режаларини ишлаб чиқиш, мавжуд инфратузилмаларни яхшилаш, туризм лойиҳаларини молиялаштириш ҳисобига савдо-сервисни ривожлантириш.	<p>1. Туризмга ихтисослашган маҳаллаларни рўйхатини қайта кўриб чиқиб, янгидан шакллантириш.</p> <p>2. Туризм ҳудудларининг мастер режаларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқиб, Туризм ва маданий мерос вазирлигига киритиш.</p> <p>3. Ушбу маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва талаб этиладиган маблағлар ҳисоб-китобларини тайёрлаш.</p> <p>4. Туризм лойиҳалари учун ажратилган кредит ресурслари доирасида молиялаштириладиган лойиҳаларни манзилли рўйхатини шакллантириб, кредит маблағларини ажратилишида амалий ёрдам кўрсатиш.</p> <p>5. Молиялаштирилган инфратузилма ва туризм лойиҳаларини белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш.</p>	<p>Июль</p> <p>Июль</p> <p>Июль</p> <p>Июль сентябрь</p> <p>Йил давомида</p>	<p>Навоий вилояти ҳокими ўринбосари (Мирзаев),</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов),</p> <p>Туризм ва маданий мерос бошқармаси (Хужаев)</p> <p>Қурилиш бошқармаси (Ниёзов),</p> <p>Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев)</p> <p>тижорат банклари, Хатирчи, Нурота ва Қизилтепа туман ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
19	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қарори билан шаҳар ваа туманларнинг 10 та деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ишларини охирига етказиш	1. Реконструкция жараёнида якунига етказилмаган объектларни ўрганиб чиқиб, қурилиш ташкилотини белгилаб олиш. 2. Шаҳар ваа туман ҳокимлигида бозорга алоҳида масъул бириктириш. 3. Амалга оширилган ишларни кунлик муҳокама қилиб юзага келган муаммо ва камчиликларни жойида ўрганиб ҳал этиш чораларини кўраш	Июнь-июль	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев), Милий банк (Адизов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
20	Шаҳар ва туманлардаги истироҳат боғларида хизмат кўрсатиш жойларини ташкил этиш	1. Мавжуд истироҳат боғларидаги хизмат кўрсатиш объектларини ҳатловдан ўтказиб талаб этиладиган хизмат турларини аниқлаш. 2. Талабдан келиб чиқиб хизмат объектларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини аниқлаб манзилли рўйхатларини шакллантириш. 2. Хизмат турларини белгилаб берган ҳолда ташкил этилишини назоратга олиш ва масъуллар бириктириш	Июнь-июль	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
	Белгиланган прогноз-топшириқларни сўзсиз бажариш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилансин ва ҳар ҳафтада муҳокама этиб бориш.	1. Йиғилиш баёнида берилган прогноз-топшириқлар бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олиш. 2. Амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги вилоят ҳокимлигида муҳокама қилиш.	Доимий Ҳар ҳафтада	Вилоят ҳокимининг барча ўринбосарлари, корхона ва (ташкилот) ва мауассаса раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
21	Вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларини фотоальбом кўринишида Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоровга киритиб бориш	Хизматлар соҳасида ҳудудларда амалга ошириладиган ишларни мониторинг қилиш ва фотоальбом тайёрлаш	Ҳар 15 кунда	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Нурмуродов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари